

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

182 **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 26 октябрдаги ПФ–4853-сонли Фармониغا мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 16 март,
ПФ–4986-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 16 мартдаги
ПФ–4986-сонли Фармониغا
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ–4059-сонли Фармонида:

а) номланишидаги «индустриал-» сўзи чиқариб ташлансин;

б) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона» (кейинги ўринларда — ЭИИЗ)» сўзлари «Навоий» эркин иқтисодий зона» (кейинги ўринларда — ЭИЗ)» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидан «индустриал-» сўзи чиқариб ташлансин;

в) 2-бандда:

иккинчи хатбошидан «индустриал-» сўзи чиқариб ташлансин; учинчи, тўртинчи ва еттинчи хатбошилардаги «ЭИИЗ» қисқартмалари «ЭИЗ» қисқартмасига алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

«эркин иқтисодий зона фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқариш эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши томонидан амалга оширилади»;

олтинчи хатбошидаги «индустириал-иқтисодий» ва «ЭИИЗ фаолият кўрсатадиган» сўзлари «иқтисодий» ва «ЭИЗ фаолият кўрсатадиган» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3,4 ва 9-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) 5-бандда:

биринчи хатбошидан «индустириал-» сўзи чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошидаги «ЭИИЗ» қисқартмаси «ЭИЗ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «эркин алмаштириладиган» сўзлари «хорижий» сўзи билан алмаштирилсин;

е) 6-банддан «индустириал-» сўзи чиқариб ташлансин;

ж) 10-банддаги «ЭИИЗ» қисқартмаси «ЭИЗ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

з) иловада:

номланишидаги ва 1-қаторидаги «индустириал-» сўзи чиқариб ташлансин;

2, 3 ва 5-қатордаги «ЭИИЗ» қисқартмаси «ЭИЗ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

4, 6 ва 7-қаторлар чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида» 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сонли Фармонида:

а) номланишидаги «махсус индустриал» сўзлари «эркин иқтисодий» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ангрен» махсус индустриал зонасини (кейинги ўринларда — «Ангрен» МИЗ)» сўзлари «Ангрен» эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда — «Ангрен» ЭИЗ)» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «махсус индустриал» сўзлари «эркин иқтисодий» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2, 4 ва 5-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 3-бандда:

иккинчи хатбошидаги «махсус индустриал» сўзлари «эркин иқтисодий» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «МИЗ» қисқартмаси «ЭИЗ» қисқартмасига ўзгартирилсин;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ангрен» ЭИЗ қатнашчиси мақоми эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашининг қарори билан берилади»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ангрен» ЭИЗда рўйхатдан ўтган хўжалик субъектларига нисбатан солиқ тўловчининг ҳолатини ёмонлаштирадиган Ўзбекистон Республикасининг

солиқ қонунчилиги актлари қўлланилмайди, акциз солиғига тортиладиган товарларга солиқ солишни тартибга солувчи актлар бундан мустасно.»;

д) 6-банднинг биринчи хатбошидаги «Ангрен» махсус индустриал зонаси ва «МИЗда лойиҳаларни» сўзлари тегишли равишда «эркин иқтисодий зоналар ва «ЭИЗда лойиҳаларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 7-банддаги «МИЗ» ва «ДАК» қисқартмалари тегишли равишда «ЭИЗ» ва «АЖ» қисқартмалари билан алмаштирилсин;

ж) 1-илова номидаги «махсус индустриал» сўзлари «эркин иқтисодий» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида» 2013 йил 18 мартдаги ПФ-4516-сонли Фармонининг:

а) номланишидаги «махсус индустриал» сўзлари «эркин иқтисодий» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги «Жиззах» махсус индустриал зонасини (кейинги ўринларда — «Жиззах» МИЗ) сўзлари «Жиззах» эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда — «Ангрен» ЭИЗ) сўзлари билан алмаштирилсин; учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, «Жиззах» ЭИЗ таркибига киритилган ер майдонлари Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлигининг бевосита тасарруфида бўлади ҳамда эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши билан келишилган ҳолда ажратилади»;

в) 2,4 ва 5-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 3-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «МИЗ» қисқартмалари «ЭИЗ» қисқартмаларига ўзгартирилсин;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиззах» ЭИЗ қатнашчиси мақоми «Жиззах» эркин иқтисодий зонаси Маъмурий кенгашининг қарори билан берилади»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жиззах» ЭИЗда рўйхатдан ўтган хўжалиқ субъектларига нисбатан солиқ тўловчининг ҳолатини ёмонлаштирадиган Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилиги актлари қўлланилмайди, акциз солиғига тортиладиган товарларга солиқ солишни тартибга солувчи актлар бундан мустасно.»;

д) 6-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашининг қарорлари бўйича белгиланган тартибда «Жиззах» ЭИЗда лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун қўйидагиларни таъминласин»:

е) 7-банддаги «МИЗ» ва «ДАК» қисқартмалари тегишли равишдаги «ЭИЗ» ва «АЖ» қисқартмалари билан алмаштирилсин;

ж) 8-банднинг 1-хатбошидаги «МИЗ» қисқартмаси «ЭИЗ» қисқартмасига алмаштирилсин;

з) 1-илованинг:

номланишидаги «махсус индустриал» сўзлари «эркин иқтисодий» сўзлари билан алмаштирилсин;

II бўлимдаги «МИЗ» қисқартмаси «ЭИЗ» қисқартмасига алмаштирилсин;

и) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2014 йил 8 июлдаги ПФ-4631-сонли Фармони иловасининг 18-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ва фуқаро объектларини лойиҳалаш ва қуришда тегишли тартиб ўрнатиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1666-сонли қарори 5-банди саккизинчи хатбошидаги «Ангрен» махсус индустриал зонаси» ва «Жиззах» махсус индустриал зонаси» сўзлари «эркин иқтисодий зоналар» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мотор мойлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 25 майдаги ПП-1759-сонли қарори:

а) кириш қисмидаги «махсус индустриал» сўзлари «эркин иқтисодий» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Имтиёзларнинг қўлланилиши иқтисодий зоналар иштирокчилари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда «Uz-Prista Recycling» МЧЖ қўшма корхонасига ҳам татбиқ этилсин».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ангрен» эркин индустриал зонаси ҳудудида резина-техника буюмлари заводи қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 4 декабрдаги ПП-2269-сонли қарорида:

а) номланишидаги «индустриал» сўзи «иқтисодий» сўзига алмаштирилсин;

б) 3-банднинг биринчи хатбоши ва 10-банднинг биринчи хатбошидаги «МИЗ» қисқартмалари «ЭИЗ» қисқартмасига алмаштирилсин;

в) номланиши ва илованинг ўн олтинчи хатбошидаги «МИЗ» қисқартмаси «ЭИЗ» қисқартмасига алмаштирилсин.